

**Хизмат кўрсатиш регламенти**  
“РЭВ ва ЮЧҚдан фойдаланиш талабномасини кўриб чиқиш”

**1. Хизматнинг тавсифи (паспорти):**

1.1 Хизмат номи

Радиоэлектрон воситалари (РЭВ) ва юқори частотали қурилмаларидан (ЮЧҚ) фойдаланиш талабномасини кўриб чиқиш.

1.2 Хизмат натижаси

РЭВ ва ЮЧҚдан фойдаланишга рухсатнома бериш.

1.3 Бланк намуналарини олиш жойи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар

Буюртмаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг радиочастота органи сифатида вакили “Электромагнит мослашув маркази” давлат унитар корхонаси томонидан амалга оширилади.

Талабгорлар тавсия қилинган талабнома намуналарини [www.cemc.uz](http://www.cemc.uz) сайтдан электрон кўринишда кўчириб олишлари мумкин.

1.4 Ҳуқуқий асослар:

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 25 декабрдаги № 725-І сонли “Радиочастоталар спектри тўғрисида”ги Қонуни.

“Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш, тартиби тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлигида 2005 йил 25 декабрдаги № 1531 – сон билан рўйхатга олинган;

“Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмаларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида олиш (бериш), лойиҳалаш, қуриш (ўрнатиш), ишлатиш ҳамда чет эллардан олиб кириш тартибига риоя қилиниши устидан назоратни ташкил этишда вазирлик ва идораларининг ўзаро ҳамкорлиги тўғрисида”ги Низом, Адлия вазирлигида 2005 йил 23 декабрда №1532-сон билан рўйхатга олинган;

“Частота спектридан фойдаланиш соҳасида давлат томонидан тартибга солиб бориш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар” тўғрисидаги Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 ноябрдаги № 499-сон Қароридаги илова;

“Частота спектридан фойдаланиш, телерадиодастурларини шакллантириш ва тарқатиш ҳамда маълумотлар узатиш самарадорлигини ошириш юзасидан кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 1998 йил 10 июлдаги 293 –сонли Вазирлар Масҳкамасининг Қарори.

“Юқори частотали қурилмаларнинг рухсат берувчи ҳужжатларини расмийлаштириш, қурилмаларни рўйхатга олиш ва уларнинг техник параметрларини ўлчашни ўтказиш тартиби тўғрисида” йўриқнома, 2007 йил 26 декабрдаги АВ № 1751- сон билан рўйхатга олинган;

Ҳалқаро электралоқа иттифоқининг радиоалоқа Регламенти;

Частота бириктиришни мувофиқлаштириш тўғрисидаги чегарадош давлатлар билан Давлатлараро келишуви.

1.5 Хизматдан фойдаланувчилар

Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси норезидентлари.

#### 1.6 Мурожаат этиш муддати.

РЭВни сотиб олиш ва ўрнатиш ёки лойиҳалаштириш ва қуриш учун рухсатнома расмийлаштирилгандан кейин:

- турғун ва қуруқликдаги кўчма радиоалоқа (шу жумладан-сотали, транк, пейджиинг ва ш.к.) радиостанциялари, кам каналли РРЛ, радиолакацион станциялар, кабель телевидениеси тизимлари ва 100 Вт гача қувватли телевизион ва радиоэшиттириш узаткилари – 6 ойгача;
- кўп каналли РРЛ, 100 Вт дан ортиқ қувватли телевизион ва радиоэшиттириш станциялари – 6 ойдан 1 йилгача;

#### 1.7 Ижро муддати

РЭВ ва ЮЧҚдан фойдаланиш учун рухсатнома тақдим этиш – 10 кунгача.

#### 1.8 Тақдим этишни тасдиқлаш муддати

- талабноманинг қабул қилинганлиги тўғрисида белгининг ягона дарчада пайдо бўлганидан сўнг 3 кун.

## 2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

### 2.1 Маълумот таркиби ва ҳажми

Ҳар бир мурожаат қилган шахсга қуйдаги маълумотларни тақдим этиш кафолатланади:

- хизмат кўрсатадиган ташкилотнинг жойлашган жойи, кўрсатиладиган хизматлар, унинг иш жадвали, ташрифчиларнинг қабул қилиш жараёни (аввалдан телефон орқали ёзилиш, мурожаат куни қабул, жонлик навбат ва ш.к.);
- хизматдан фойдаланиш учун керак бўлган ҳужжатлар рўйхати ҳақида;
- тўлдирилиши керак бўлган бланк намуналарини олиш усуллари ва тартиби, тўлов тартиби ҳақида;
- хизматдан фойдаланиш жараёни ҳақида;
- хизмат кўрсатиш муддати ҳақида;
- хизмат кўрсатиш регламенти борлиги ва регламент билан танишиш усули ҳақида.

### 2.2 Кенг хабардор қилиш

РЭВ ноқонуний чегарадан олиб кириш, реализация ва фойдаланишни олдини олиш мақсадида, РЭВ ва ЮЧҚ ни ўрнатилган тартибда олиб кириш, реализация ва фойдаланиш ёритилиб ОАВ орқали эълонлар и маълумотлар мунтазам равишда тарқатилиб борилади. Ушбу маълумотлар “ЭМММ” ДУК - <http://www.cemc.uz/> сайтида ҳам жойлаштирилган.

### 2.3 Мурожаат бўйича хабардор қилиш

- шахсан: хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки маслаҳат ва стандарт текст кўринишида ёзма маълумот бериш, давлат божи тўлаш реквизитлари, керакли ҳужжат таркиби 09-00 дан 18-00 гача;
- телефон орқали (2304134): катта ҳажмдаги аниқ маълумотларни узатиш, масалан, давлат божи реквизитлари бўйича ҳар қандай саволларга оғзаки консултация хизматидан фойдаланиш 09-00 дан 18-00 гача;
- факс орқали (2306112): ҳар қандай ёзма мурожаатлар кечаю-кундуз қабул қилинади, ёзма ҳужжатлар бўйича мурожаатларни бериш 09-00 дан 18-00 гача;
- электрон почта: [info@cemc.uz](mailto:info@cemc.uz).

### 2.4 Хизмат кўрсатиш бўйича маълумот бериш жойи

Тошкент ш. Нукус кўчаси 22Б. Нукус ва Шевчеко кўчаларининг кесишуви, 4 қавватли “Ўзбектелеком” биноси, 2, 55, 60, 80, 93-сонли автобуслар “94 мактаб” бекати. Мўлжал: 94-сонли ўрта мактаб, Тошкент ш. Миробод тумани Солиқ инспекцияси.

### 2.5 Ҳужжатларда фойдаланиладиган бланклар (намуна).

Рухсат этувчи ҳужжатларнинг бланк намуналари – 2-илова

### **3. Хизмат кўрсатиш**

#### **3.1 Иш вақти**

Иш вақти 09-00 дан 18-00 гача. Дам олиш кунлари: Шанба, якшанба.

#### **3.2 Кутиш шарти**

Кутиш шарти навбат билан белгиланади, агар навбат бўлмаса кутиш минимумга яқинлаштирилади.

### **4. Хизмат кўрсатиш жараёни**

#### **4.1 Зарурий ҳужжатлар**

Фойдаланиш рухсатномаларни бериш учун:

а) РЭВ учун тўлдирилган анкетани 3 нусхада (кабелли телевидение тармоқлари учун – 2 нусхада);

б) санитар-эпидемиологик назоратининг тегишли ташкилоти томонидан берилган таянч ва стационар РЭВ учун санитар паспорт;

в) сотали алоқа таянч станциялари, РРЛ ва маълумотлар узатиш тизимлари, радиоэшиттириш (РЭ), телевизион (ТВ) узаткичлар, КТВТ, йўлдош алоқа ер станцияларини ва ш.к. (АВ 19.05.2007 й. да №1531-1 сон билан рўйхатга олинган);

г) фаолиятнинг ушбу тури учун лицензияга эга бўлган ташкилот томонидан бажарилган таянч (стационар) РЭВни куриш (ўрнатиш) учун лойиҳа-смета ҳужжатларининг эксперт ҳулосаси;

д) агар ускуна Ўзбекистон Республикасида қонун ҳужжатларига мувофиқ сертификатланиши мажбурий бўлса, ўрнатилган ускуна учун мувофиқлик сертификати;

е) шахсан тайёрланмаган телевидение ва радиоэшиттириш дастурларини трансляция қилиш (трансляция қилиш) учун шартнома.

#### **4.2 Хизмат тўловлари**

Молия вазирлиги томондан рўйхатга олинган 01.07.2010 йилдаги №ЁТ/1504-Уз-сон “Жисмоний ва юридик шахслар учун ЮЧҚ ва РЭВлар эксплуатация рўйхатига олиш, электромагнит мослашув экспертизаси алоқа хизмати учун тарифлар” хизмат тўловига асосан.

#### **4.3 Давлат хизматларини кўрсатиш босқичлари**

а) РЭВ ва ЮЧҚдан фойдаланишга рухсатнома олиш учун “ЭМММ” ДУК бошлиқ номига хат.

б) мурожаатни бажариш учун “ЭМММ” ДУК бошлиғининг тегишли хизмат (бўлим)га резолюцияси.

в) тақдим этилган ҳужжатларнинг экспертизаси.

г) РЭВ ва ЮЧҚни фойдаланишга қабул қилиш.

д) РЭВ ва ЮЧҚга фойдаланиш учун рухсатнома бериш.

е) кўрсатилган хизматлар учун ҳисобварақ-фактурасини расмийлаштириш.

#### **4.4 Рад этиш асоси**

- нотўғри расмийлаштирилган ҳужжатлар тақдим этилганда;

- ҳужжатлар тўлиқ бўлмаганда;

- агарда аввал берилган рухсатномаларда кўрсатилган қурилманинг сони ва тури талабга мос келмаса (сотиб олиш ва ўрнатиш ёки лойиҳалаштириш ва қуриш), АВнинг 23.12.2005 йилда № 1531 сон билан рўйхатдан ўтган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситалардан фойдаланишни тартибга солиш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ талабгорга 3 кун ичида фойдаланиш учун рухсатномани беришга асосли рад жавоби юборилади

### **5. Сифатни таъминлаш**


#### **5.1 Сифат параметрлари**

Талабномани кўриб чиқиш муддатига риоя қилиш.

#### **5.2 Сифатсиз хизматга шикоят аризасини бериш**

Талабгор, сифатсиз кўрсатилган хизмат юзасидан сифатни бошқариш хизматига, “ЭМММ” ДУК рахбарлигига, юқори турувчи ташкилотларга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

**Фойдаланиш учун талабномаларни қабул қилиш ва кўриб чиқиш бўйича кўрсатиладиган давлат хизматларини схемаси**



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT  
TEKNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI  
RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI



МИНИСТЕРСТВО ПО РАЗВИТИЮ  
ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ И  
КОММУНИКАЦИЙ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ELEKTROMAGNIT MOSLASHUV  
MARKAZI  
DAVLAT UNITAR KORXONASI

ЦЕНТР ЭЛЕКТРОМАГНИТНОЙ  
СОВМЕСТИМОСТИ  
ГОСУДАРСТВЕННОЕ УНИТАРНОЕ  
ПРЕДПРИЯТИЕ

**RUXSATNOMA № 1716 - DVB – XXXX РАЗРЕШЕНИЕ**

*TK uzatkichidan foydalanish huquqini beruvchi  
на право эксплуатации ТВ передатчика*

Egasi: Владелец:	
Taqdim etilgan kanal: Присвоенный канал:	
Uzatkich tavsifnomasi: Характеристика передатчика	
O'rnatilish manzili: Пункт установки:	
Turl: Тип:	
Eltuvchi quvvati: Мощность несущей:	Tasvir / tovush (kVt) Изображения / звука (кВт)
SNCH (kHz): СНЧ (кГц):	O'rnatilish koordinatalari: Координаты установки:
Qutublanish: Поляризация: горизонтальная	sh. k (с.ш.)
Chastota turg'unligi: Стабильность частот (Гц): ± 150 Гц	sh. u.(в.д.)
Zavod raqami, ishlab chiqarilgan sana: Заводской №, дата изготовления:	

Antenna:			
	uzatuvchi: передающей:	qabul qiluvchi: приемной:	Antenna o'rnatilishi balandligi (m)
Maksimal nurlanish azimuti Азимут максимального излучения			Высота установки антенны (м)
Kuchalsh: Усиление (дБ):			max точка антенны относительно уровня земли –
Susals: Ослабление (дБ):			от уровня земли до ап. центра антенны –

Dastur uzatish usuli:

Способ подачи программы:

1. *Ruhsatnoma yillik foydalanish to'lovlari va aloqa xizmatlari uchun tariflar o'zgarishida qo'shimcha to'lovlari amalg'a oshirilishi sharoitida haqiqiydir*

2. *Ruhsat berilmagan teleko'rsatish kanallarida ishlash qat'yan taqiqlanadi*

1. *Разрешение действительно при условии оплаты ежегодных эксплуатационных сборов, а также своевременной оплаты при изменении тарифов на услуги связи.*

2. *Категорически запрещается работа на неразрешенных телевизионных каналах*

Ruhsatnoma amal qilish muddati \_ dan:

Срок действия разрешения с: 201\_ г.

Ruhsatnoma amal qilish muddati \_ gacha:

Срок действия разрешения до: 201\_ г.

EMMM boshlig'i

Начальник

Р. Мансуров